


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ



**5410100 –Агрокимё ва агротупроқшунослик таълим йўналиши
негизидаги:**

- 5А410101–Агротупроқшунослик ва агрофизика (соҳалар бўйича);
- 5А410102–Агрокимё магистратура мутахассисликларига қирувчилар
учун махсус (ихтисослик) фанларидан

ДАСТУР ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Тошкент-2021 й.

Аннотация:

Дастур 5A5410101- Агротупроқшунослик (соҳалар бўйича), 5A5410102- Агрокимё магистратура мутахассисликларига кирувчилар учун 5410100- Агрокимё ва агротупроқшунослик таълим йўналишининг 2020/2021 ўқув йилида тасдиқланган ўқув режасидаги асосий фанлар асосида тузилди.

Тузувчи:

Каримов М.У ТДАУ Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси
мудири, к.х.ф.н., доцент

Дастур ва баҳолаш мезони Тошкент давлат аграр университети Илмий Кенгашининг 2021 йил “3” июлдаги 14-сонли баёни билан муҳокама қилинган ва тасдиқлашга тавсия қилинган.

КИРИШ

5410100–Агрокимё ва агротупроқшунослик бакалаврият таълим йўналиши– агрокимё ва тупроқшунослик соҳасидаги йўналиш бўлиб, у қишлоқ хўжалиги соҳасидаги йўналиш бўлиб, у қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда илмий асосланган тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, тупроқ ресурслари ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, маҳаллий ва минерал ўғитлардан оқилона фойдаланишдаги инсон фаолияти воситалари, усул ва услубларининг мажмуасини ўз ичига олади.

Таълим йўналиши негизидаги мутахассисликларнинг вазифаси – талабалар билимини қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича илий ташкилотлар, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш комплексларини бошқариш; тупроқшунослик ва агрокимёда ишлаб чиқариш жараёнларини синтез, таҳлил қилиш ва яхшилаш, экологик тоза маҳсулот сифатини таъминлаш усуллари кўллаш, тупроқ, ўсимлик ва ўғитларнинг сифат таҳлилларини ўтказиш, ҳаракатчан фосфор ва калий миқдори бўйича агрокимёвий харитаграммалар тузиш, ўғитларни кўллаш технологияси ва ишлаб чиқарувчи ташкилотлар, асосий экинларга ўғит кўллаш тизими, тупроқшунослик ва агрокимё соҳасидаги илмий-амалий тадқиқотларни умум қабул қилинган услублар бўйича олиб бориш, олинган натижаларга статистик ишлов бериш. Бунда, илғор педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда билимларни ошириш ва кўникма ҳосил қилишдан иборатдир.

5410100-Агрокимё ва агротупроқшунослик бакалаврият таълим йўналиши негизида 5A5410101- Агротупроқшунослик (соҳалар бўйича), 5A5410102- Агрокимё магистратура магистратура мутахассисликларига кирувчи талабалар учун таълим йўналиши ўқув режасига асосан 4 та ихтисослик фанлари бўйича: “Тупроқ бонитировкаси ва хариталаш”, “Агрокимёвий текшириш усуллари”, “Мелиоратив тупроқшунослик ва тупроқ муҳофазаси”, “Ўғит кўллаш тизими” тест саволлари шакллантирилган. Бу фанлар ўз негизида қамраб олинган маълумотлар қуйида батафсил келтирилган.

Тупроқ бонитировкаси ва хариталаш фани бўйича:

Тупроқ бонитировкаси ва хариталаш фанининг ривожланиш тарихи. Тупроқнинг муҳим агрономик хусусиятлари асосида қиёсий баҳолаш. Тупроқларни унумдорлик сифатини қиёсий баҳолашда бир ҳудуд хўжалигининг тупроқлари иккинчи ҳудуд хўжалик тупроқларидан сифати бўйича яхши ёки ёмонлигини аниқлашда, уларни генетикавий ишлаб чиқариш кўрсаткичларига асосланиши. Тупроқнинг бонитет бали. Тупроқни бонитировкалаш ва тупроқнинг хоссалари ва қишлоқ хўжалик экинларининг хосили. Ерни иқтисодий баҳолаш тушунчаси. Тупроқ бонитировкаси ва хариталаш ишларининг тарихи ўрганилади. Тупроқни хариталаш фанининг ўрганилиши, тупроқни хариталаш фанининг тарихи ва босқичлари. Тупроқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий

воситаси ҳисобланади. Экин майдонларининг ўзига хос хусусиятларининг ва тупроқ унумдорлигини яхши билиш ҳар бир хўжалик ерларидан унумли ва самарали фойдаланиш ҳамда ҳосилдорлигини оширишга қаратилган агротехник тадбирларни пухта амалга ошириш имконини беради. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган тупроқ шароитини ўрганишда, қишлоқ хўжалик мутахассисларига тупроқ хариталари ва картограммаларининг ёрдами. Тупроқ хоссаларига кўра зарур агротехник мелиоратив тадбирларнинг ёритилиши ва ишлаб чиқаришда жорий этилиши. Тупроқ текширишларнинг масштабига кўра мақсади ва вазифаси. Тупроқ пайдо қилувчи омилларнинг бир -бирига боғлиқлигини ва ер юзида тупроқларнинг тарқалиш қонуниятларини, тупроқни хариталашнинг илмий асосларини билиш. Фаннинг юзага келишида В.В. Докучаев ва унинг шогирдларини қўшган ҳиссалари. Республикамизда тупроқни текшириш ва харитага тушириш бўйича шуғулланадиган ташкилотлар, илмий текшириш муассасалари ва етук олимларнинг фаолияти ҳақида маълумотлар

Агрокимёвий текшириш усуллари фани бўйича:

Агрокимёвий текшириш усуллари бўйича ривожланиш тарихи. Республикамизда ўғитлар устида агрокимёвий тадқиқотларнинг йўлга қўйилиши, ривожланиш тарихи, ҳозирги ҳолати ва истиқболи. Агрокимёвий тадқиқотлар ва уларнинг турлари: тажриба ва кузатишлар. Агрокимёвий тадқиқотлардаги лаборатория ва биологик усуллар. Тадқиқотларни режалаштириш ва ташкил қилиш. Вегетация тадқиқотлари усули, улар олдида қўйилган талаблар ва ўтказиш усуллари. Вегетация тажрибаси - тадқиқотларнинг биологик усули. Унинг моҳияти, қўлланиш соҳалари. Вегетация тажрибаларининг ривожлантиришда Ж.Б. Буссенго, К.А. Тимирязев, Д.Н. Прянишников каби олимларнинг роли. Сувли, қумли ва тупроқли муҳитда амалга ошириладиган вегетация тажрибалари. Озиқ аралашмалари ва уларнинг олдида қўйиладиган талаблар. Ионлар антагонизми ва синергизми. Ўсимликларни сувли ва қумли муҳитда етиштириш технологияси. Лизиметрик тажрибалар; моҳияти, қўлланиш соҳалари. Лизиметрик тажрибаларга қўйиладиган талаблар ва уларни ўтказиш усуллари. Лизиметрлар ва лизиметрик қурилмаларнинг турлари. Дала тажрибаси олдида қўйиладиган талаблар: типиклик, битта белги билан фарқланиш, махсус майдончаларда ўтказиш, аниқлик ва ҳосилни ҳисобга олиш. Дала тажрибаларида учрайдиган хатолар. Дала тажрибаларининг турлари: бир ва кўп омилли; якка тартибли ва географиявий тармоқ; қисқа муддатли, кўп йиллик ва сурункали; агротехникавий ва нав синаш; махсус майдончаларда ёки ишлаб чиқариш шароитларида ўтказиладиган тажрибалар. Тажриба майдончаси олдида қўйиладиган талаблар. Дала тажрибасининг таркибий қисмлари: вариантлар, такрорлик (қайтариқ)лар, бўлакчалар, ҳимоя йўлаклари, ҳисобга олинмайдиган ва олинмайдиган қаторлар, ҳисобга олинмайдиган ва олинмайдиган ўсимликлар. Тажриба пайкалини таркибий

қисмларга тақсимлаш. Дала тажрибаларида амалга ошириладиган агротехник ишлар, фенологик кузатишлар, ҳосилни йиғиштириш ва ҳисобга олиш. Ўғитлар устида амалга ошириладиган дала тажрибалари, уларни йўлга қўйиш ва амалга оширишнинг ўзига хос томонлари. Тажрибанинг аниқлиги ва унинг мезонларини билиш.

Мелиоратив тупроқшунослик ва тупроқ муҳофазаси фани бўйича:

Мелиоратив тупроқшунослик ва тупроқ муҳофазасининг ривожланиш тарихи. Тупроқларнинг кимёвий асослари ва тупроқ унумдорлигини муҳофаза қилиш ҳақидаги бўлими эканлиги. Тупроқ мелиорациясининг тупроқлар классификацияси, диагностикаси, генезиси, бонитировкаси ва мелиорацияси масалаларини ечишдаги роли. Тупроқ кимёсининг назарий, экспериментал ва далада текшириш усуллари. Мелиоратив тупроқшуносликнинг мазмуни. Табиатнинг қайта яралишида мелиорация роли ва аҳамияти. Тупроқ мелиорациясининг турлари: химояловчи мелиорациялар юқои маҳсулдор тупроқларни сақлаш, унумсиз ва кам маҳсулдор тупроқларни туб мелиорациялари, бузилган ва янгидан пайдо бўлган сунъий тупроқларни тикловчи мелиорация. Шўрланган тупроқларнинг умумий тавсифи. Шўрланган тупроқларни ўрганиш тарихи. Шўрланган тупроқларни келиб чиқиши, сабаблари ва тарқалиши. Тупроқ шурланишини келтириб чиқарувчи асосий омиллар. Тупроқдаги туз манбалари, тузларнинг харакати, қайта тақсимланиши ва тўпланиши. Шўрланган тупроқлар тавсифи. Тубдан мелиорациялаш. Турли мақсадлар учун тупроқ-мелиоратив районлаштириш ҳақида тушунча. Тупроқ муҳофазасининг илмий йўналишлари, муаммолари, муҳофазалаш масалалари. Географик ахборот тизими, замонавий географик тизимлардан фойдаланиш, уларни ўқиш, билиш ва фойдалана олиш, янги усулларни қўллаш. “Понарама” ва “ArcGIS” дастурларни ўқиш ва фойдаланиш. Тупроқ деградацияси турлари ва омиллари, тупроқларни механик бузилиши, тупроқларни физик деградацияси, тупроқнинг кимёвий деградацияси, деградацияга учраган тупроқларнинг биологик фаоллиги, иқлим ўзгариши ва тупроқ деградацияси. Чўлланиш жараёнининг асосий типлари ва уни белгиловчи индикаторлар. Чўлланиш жараёнини юзага келтирувчи омиллар. Ерлардан нооқилона фойдаланиш оқибатида юзага келаётган чўлланиш жараёнининг турли типлари. Чўлланишнинг антропоген омиллари. Орол денгизи қуриши билан боғлиқ чўлланиш. Ерлар чўлланишининг тупроқ хоссаларига таъсири ва уни олдини олишга қаратилган чора тадбирлар. Иқлим ўзгариши ҳақида умумий маълумотлар. Иқлим ўзгаришини белгиловчи омиллар. Глобал миқёсда иқлим ўзгаришининг оқибатлари. Ўзбекистонда иқлимнинг минтақавий ўзгариши ва унинг оқибатлари. Иқлим ўзгаришига

агросферанинг мослашуви шароитларида тупроқшунослик соҳасини ривожлантиришда асосий устувор масалалар.

Ўғит қўллаш тизими фани бўйича:

Ўғит қўллаш тизимининг ривожланиш тарихи. Қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантиришда ўғит қўллаш тизимининг ўрни. Экинлар ҳосилдорлиги ва уларни ўғит билан таъминланиши ўртасидаги боғлиқлик. Ўғитлаш тизимини ишлаб чиқиш босқичлари. Ўғит қўллаш бўйича тавсия-ҳужжатларини тайёрлаш ва уни амалиётга тадбиқ этиш. Ўғит қўллаш тизимининг асосий вазифалари ва типлари. Ўсимликларга озик моддалари ютилишининг ривожланиш даврларига боғлиқлиги. Ўсимликлар томонидан тупроқдан озик элементларини олиб чиқиб кетилиши. Озик моддалари олиб чиқиб кетилишининг турлари. Тупроқдан олиб чиқиб кетиладиган озик элементлари миқдорига таъсир этувчи омиллар (иқлим шароитлари, экиннинг нави, ҳосил миқдори, ўғит меъёри ва суғориш). Ўсимликлар томонидан тупроқдаги озик моддаларини ўзлаштирилиши. Озик моддаларининг ўзлаштирилиш коэффициенти ва унга тупроқ унумдорлиги, муҳити (р.н), иқлим агротехникавий тадбирларининг таъсири. Ўзбекистон иқлимининг ўзига хос томонлари. Иқлим кўрсаткичларининг озикланишига таъсири. Республика тупроқларининг агрокимёвий хоссалари. Тупроқ типлари, хоссалари ва ўғитлар ўртасидаги муносабат. Агротехника шароитларининг ўғитлар самарадорлигига таъсири. Маҳаллий ва минерал ўғитларни биргаликда қўллашнинг аҳамияти. Ўғит қўллашнинг усуллари. Асосий (экишгача, экиш олдидан), қаторлаб (экиш билан бирга) ва қўшимча озиклантириш. Асосий ўғитлашнинг ўсимликлар озикланишидаги аҳамияти. Ўғит қўллашнинг муддатлари (кузда, баҳорда, ёзда х.к.). Ўғит қўллашнинг типлари. Ўғитларни тупроқ билан аралаштириш йўллари: плуг ёрдамида, озиклантиргич ёрдамида, тирмалар ёрдамида. Ўғит меъёри ва дозаси ҳақида тушунча. Минерал ўғитларнинг мақбул, оқилона энг юқори меъёрлари. Қўлланиладиган минерал ўғит меъёрларини аниқлаш йўллари. Ўғит меъёрларини белгилашда дала тажрибалари ва агрокимёвий текширишларнинг натижаларидан фойдаланиш. Минерал ўғит меъёрларини ҳисоблаш йўли билан аниқлаш. Ҳисоблаш йўли билан аниқлашнинг элементлар, баланс, норматив баланс ва қўшимча ҳосилни ҳисобга олиш усуллари. Минерал ўғит меъёрларини аниқлашнинг комплекс усули.

Адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 56 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 бет.

3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажегимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 бет.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил яқунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16- январ №11.
6. Мирзиёев Ш.М. 2018 йил 16 январдаги ПФ-5303-сон “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.
7. Абдуллаев С., Намозов Х. “Тупроқ мелиорацияси” «Ўзбекистон Давлат Миллий энциклопедияси». Тошкент-2011 й. 8-76 бет. Дарслик
8. Гафурова Л.А., Абдуллаев С.А., Намозов Х.Қ.– «Мелиоратив тупроқшунослик» «Ўзбекистон Давлат Миллий энциклопедияси». Тошкент-2003 й. 54-68 бет. Дарслик
9. Каримов М.У. “Ўғит қўллаш тизими”. Т. Navro'z нашриёти. 2017 й. дарслик
10. Мусаев Б.С. «Агрокимё» Т. Шарқ. 2001.297-313 б. дарслик
11. Мусаев Б.С., Хожиев Б.Т. Агрокимёвий текшириш усуллари. Тошкент, ТошДАУ нашр-таҳририят бўлими, 2004. 5-250 бет дарслик
12. Махсудов Х.М, Гафурова Л.А. «Эрозияшунослик» дарслик, Т 2013 й
13. Мирзажонов Қ., Назаров М., Зокирова С., Йўлдошев Ғ. Тупроқ муҳофазаси. Тошкент 2004. 18-128 бетлар. Ўқув қўлланма
14. Намозов Х.Қ., Рўзметов М.И.«Мелиоратив тупроқшуносликдан амалий машғулотлар», «Ўзбекистон Давлат Миллий энциклопедияси». Тошкент-2004й. 3-75 бет. Ўқув қўлланма
15. Намозов Х., Турдиметов Ш., Тошпўлатов С. “Тупроқ бонитировкаси ва хариталаш”. Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, Давлат илмий нашриёти. Тошкент 2016 й. 3-266 бет Дарслик
16. Турапов И., Намозов Х.Қ. “Тупроқ бонитировкаси”. “Фан ва технология нашриёти. Тошкент 2010 й. 24-76 бет. Ўқув қўлланма
17. Тожиев У., Намозов Х. “Тупроқни хариталашда космик тасвир усулларида фойдаланиш” Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, Давлат илмий нашриёти. Тошкент 2014 й. 12-56 бет. Ўқув қўлланма
18. Қўзиёев Р.Қ., Юлдошев Ғ.Ю., Акрамов И.А.«Тупроқ бонитировкаси». Тошкент «Молия» 2004 й. 25-67 бет дарслик.
19. Шадраимова К.И., Камилов Б.С., Намозов Х.Қ. “Тупроқни хариталаш” “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, Давлат илмий нашриёти. Тошкент 2007 й. 3-49 бет. Ўқув қўлланма

**Магистратурага киришда ўтказиладиган синов фани бўйича
кирувчилар билимини баҳолаш
МЕЗОНИ**

Магистратурага қабул Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июндаги “2021/2022 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-5157-сонли Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқиши кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларини тасдиқлаш ҳақида”ги 393-сонли Қарор билан тасдиқланган 2-илова “Олий таълим муассасаларининг магистратурасига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида Низом” асосида амалга оширилади.

1. Магистратурага кирувчилар кириш синовларини (қишлоқ хўжалиги ОТМларида) ўқитиладиган тилар, яъни ўзбек ва рус тилларида топширадилар.

2. Магистратурага киришда танланган мутахассислик бўйича махсус фандан синов.

Магистратурага киришда танланган мутахассислик бўйича билим даражасини белгиловчи махсус фандан синов ўтказилади (барча мутахассислик фанларда кириш имтиҳонлари ёзма усулда) 1 та саволга 20 баллдан тўғри келади жами 5 та саволдан максимал 100 баллни тўплаш мумкин.

№	Умумий балл	Баҳо	Магистратурага кирувчининг билим даражаси	Хусусий балл
1.	17,2-20	Аъло	Қўйилган саволга жавоб мазмунан аниқ ёритилган, унинг мазмун ва моҳияти тўлиқ очиқ берилган, жавобда мантиқий яхлитликка эришилган.	5,5-6
			Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар таҳлили, унинг амалий самаралари, натижалари бўйича мустақил, ижодий фикрнинг мавжудлиги.	5,5-6
			Мантиқий кетма-кетликка эришилганлик, савол бўйича умумий хулосалар чиқарилганлиги.	5-6
			Имло ва статистик хатоларга йўл қўйилмаган	1,2-2
2.	14,2-17	Яхши	Берилган саволга тўғри жавоб ёзилган, аммо иқтисодий кўрсаткичлар, саналарда ноаниқликлар ва чалкашликларга йўл қўйилган.	4,5-5
			Саволга жавоб ёзишда абитуриентнинг	4,5-5

			мустақил фикрлаш қобилияти сезилади.	
			Жавобларда ижодий ёндошув мавжуд.	4-5
			Муаммони аниқ мисоллар билан таҳлил қилиш қобилиятига эга.	1,2-2
3.	11-14	Қониқарли	Жавобда масаланинг моҳияти тушунтирилган, бироқ мазмун ва натижалар юзаки ёритилган.	3,5-4
			Жавобда фикрлар тарқоқ.	3,5-4
			Мантиқий кетма-кетлик мавжуд эмас.	3-4
			Берилган савол бўйича умумий тасаввурга эга, лекин таҳлил етарли эмас.	1-2
4.	0-10,8	Қониқарсиз	Саволга умуман жавоб ёзилмаган. Савол бўйича аниқ тасаввурга эга эмас. Нотўғри жавоб берилган. Ўқув адабиётидан сўзма-сўз кўчирилган.	0-10,8

3. Магистратурага мутахассислик бўйича махсус фандан кириш синови учун белгиланган максимал баллнинг 55 фоизи ва ундан кам тўплаганлар магистратурага қабул қилинмайди.

МАСЪУЛ КОТИБ:



Т.ХУШВАҚТОВ